



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING

BUYRUG'I

20 14 vil "24" 12

№ 482

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ҳузурида 2017 йил 12 декабрда “Соғлиқни сақлаш соҳасида ислоҳотлар, амалга оширилган ишлар ва истиқболдаги вазифалар тўғрисида” ўтказилган мажлисда берилган топшириқлар ижроси ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ҳузурида 2017 йил 12 декабрда “Соғлиқни сақлаш соҳасида ислоҳотлар, амалга оширилган ишлар ва истиқболдаги вазифалар тўғрисида” ўтказилган мажлисда берилган топшириқлар ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 сентябрдаги “Тиббиёт кадрларини тайёрлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 769-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида буюраман:

1. Кадрлар бошқармаси (Д.Бабаев), Фан ва тиббий таълим бош бошқармаси (Ў.Исмаилов), тиббиёт олий таълим муассасалари ректорлари ва уларнинг филиаллари директорлари, илмий тадқиқот институтлари, ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари директорлари, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиқлари бир ой муддатда тиббиёт кадрларига бўлган эҳтиёжни ҳудудлар, туманлар ва муассасалар кесимида аниқлаб, ушбу эҳтиёжни қондириш юзасидан чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқсин.

Бунда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратсин:

бакалавриат битирувчиларини 2018 йилда биринчи навбатда бирламчи тизимга умумий амалиёт шифокори сифатида ишга жойлаштириш;

бирламчи тизим учун 2018 йилда магистратура, клиник ординатура ва қисқа муддатли қайта тайёрлов цикллари орқали тор доирадаги мутахассисларни тайёрлаш;

бакалавриат таълим йўналишининг мақсадли ҳудудий қабул квотасини 2017 йилга нисбатан 2018 йилда 20 фоизга, магистратуранинг мақсадли қабул квотасини 10 фоизга, клиник ординатуранинг мақсадли қабул квотасини 15 фоизга ошириш.

2. Тиббиёт олий таълим муассасалари ректорлари ва уларнинг филиаллари директорлари, илмий тадқиқот институтлари, ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари директорларига:

тиббиёт олий таълим муассасалари бакалавриатининг 5510100-Даволаш иши, 5111000-Касбий таълим (даволаш иши), 5510200-Педиатрия иши таълим йўналишларининг 7-курси, 5510300-Тиббий профилактика таълим йўналишининг 6-курс битирувчи талабалари ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, илмий тадқиқот институтлари, тиббиёт олий таълим муассасалари клиник ординатура битирувчилари учун тасдиқланган давлат таълим стандартлари, давлат талаблари ва ўқув режаларида белгиланган назарий ва амалий ўқув соатлари ҳамда уларга дарс берадиган профессор-ўқитувчиларнинг 2017-2018 ўқув йилига белгиланган режадаги юкламаларини тўлиқ бажарилган деб ҳисобга (5510800- Ҳарбий тиббиёт иши (даволаш иши) таълим йўналиши, хорижий талабалар – бундан мустасно) олиш;

тиббиёт олий таълим муассасаларида 2017-2018 ўқув йилида бакалавриатнинг 5510100-Даволаш иши, 5111000-Касбий таълим (даволаш иши), 5510200-Педиатрия иши таълим йўналишларининг 7-курси, 5510300-Тиббий профилактика таълим йўналиши 6-курс битирувчи талабалари (5510800-Ҳарбий тиббиёт иши (даволаш иши) таълим йўналиши, хорижий талабалар – бундан мустасно) якуний Давлат аттестацияси ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, илмий тадқиқот институтлари, тиббиёт олий таълим муассасалари клиник ординатура битирувчиларининг якуний аттестацияси 2018 йил 2 январидан 8 январигача ўтказилиши бўйича барча чора-тадбирлар ва тайёргарликни амалга ошириш;

тиббиёт олий таълим муассасалари бакалавриатининг 5510100-Даволаш иши, 5111000-Касбий таълим (даволаш иши),

5510200-Педиатрия иши таълим йўналишларининг 7-курси, 510300 - Тиббий профилактика таълим йўналиши 6-курс битирувчи талабалари учун 2017-2018 ўқув йили якуний Давлат аттестацияларига 2016-2017 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари томонидан тасдиқланган номзодлар раислик қилишини ташкиллаштириш;

тиббиёт олий таълим муассасалари бакалавриатининг 5510100-Даволаш иши, 5111000-Касбий таълим (даволаш иши), 5510200-Педиатрия иши таълим йўналишларининг 7-курси, 5510300- Тиббий профилактика таълим йўналиши 6-курс битирувчи талабалари ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, илмий тадқиқот институтлари, тиббиёт олий таълим муассасалари клиник ординатура битирувчилари ҳудудлардаги тиббиёт муассасаларига мутахассислигига мос равишда ишлаш учун 2018 йил 8 январдан юборилиши учун барча тайёргарлик тадбирларини кўриб, тегишли шарт-шароитлар яратиш;

тиббиёт олий таълим муассасалари бакалавриатининг 5510100-Даволаш иши, 5111000-Касбий таълим (даволаш иши), 5510200-Педиатрия иши таълим йўналишларининг 7-курс, 5510300- Тиббий профилактика таълим йўналиши 6-курс битирувчи талабалари ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, илмий тадқиқот институтлари, тиббиёт олий таълим муассасалари клиник ординатура битирувчиларини доимий рўйхатдан ўтган турар-жой ҳудудларига мослигига қатъий риоя қилган ҳолда, 2018 йил 1 январгача ишга тақсимлаш ва уларни ишга жойлаштириш бўйича манзилли шартномалар тузиш;

тиббиёт олий таълим муассасалари бакалавриатининг 5510100-Даволаш иши, 5111000-Касбий таълим (даволаш иши), 5510200-Педиатрия иши таълим йўналишларининг 7-курси, 5510300-Тиббий профилактика таълим йўналиши 6-курс битирувчи талабалари, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, илмий-тадқиқот институтлари, тиббиёт олий таълим муассасалари клиник ординатура битирувчиларининг ишга жойлаштирилиши устидан ҳар бир олий таълим муассасаси томонидан вилоятларга бириктирилган масъул ходимлари ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари кадрлар бўлими билан биргаликда

2018 йил 10 январдан мониторинг олиб бориш ва вазирликка ҳафталик ҳисобот тақдим этиш топширилсин.

3. Иқтисодиёт, молиялаштириш ва истиқболни аниқлаш бош бошқармаси (М.Мирталипов), Фан ва тиббий таълим бош бошқармаси (Ў.Исмаилов), тиббиёт олий таълим муассасалари ректорлари ва уларнинг филиаллари директорлари, илмий тадқиқот институтлари, ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари директорлари бир ой муддатда битирувчи талабаларнинг тўлов-контракт шартлари, стипендияларини белгилаш ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг ойлик маошлари ва бошқа турдаги тўловлар билан боғлиқ масалалар ўрнатилган тартибда ҳал этилишини таъминласин.


Бунда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратсин:

тиббиёт олий таълим муассасаларининг 2017-2018 ўқув йилида вақт меъёрлари асосида тасдиқланган штатлар жадвалидаги битирувчи курс талабалари ва клиник ординаторлари учун ҳисобланган ўқув соатлари (штатлари) профессор-ўқитувчилар учун бажарилган деб ҳисоблаш ва штатларини сақлаш, 2017-2018 ўқув йилига белгиланган режадаги юклама тўлиқ бажарилган деб топилган иш вақти ҳисобидан профессор-ўқитувчиларни бошқа курсларда дарс бериш, беморларни кўриқдан ўтказиш ва даволаш каби ишларга тўлиқ жалб этиш;

2017-2018 ўқув йилида вақт меъёрлари асосида тасдиқланган битирувчи курс талабалари ва клиник ординаторлари ўқийдиган кафедралар штат жадвалидаги профессор-ўқитувчилар штатини сақлаш мақсадида, зарур ҳолларда, профессор-ўқитувчиларга белгиланган ўқув юкламаларини қисқартиришга рухсат бериш.

4. Мазкур буйруқнинг ижроси назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Вазир



А.Шадманов